

ЎҚУВЧИ ЎСМИРЛАРДА ИРРАЦИОНАЛ УСТАНОВКАЛАРГА МОЙИЛЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Холматов Мансур Абдирахим ўғли

Нордик халқаро университети катта ўқитувчиси

В статье представлены данные эмпирического изучения особенностей отношения старшеклассников к иррациональным установкам. Данные описанные в статье показывают, что наиболее существенные различия между молодыми людьми этого возраста проявляются в области установки на катастрофизацию, а наименьшая разница – в иррациональной установке должествования относительно других. Также результатами исследования доказывается высокий уровень корреляционной связи установки на катастрофизацию со склонностью к обобщенной оценке.

Ключевые слова: *старшеклассники, иррациональные установки, катастрофизация, установка должествования, сверхобобщение.*

The article presents the data of empirical study of the features of the ratio of high school students to irrational attitudes. The data described in the article show that there are the most significant differences between young people of this age in the setting of catastrophization, and the smallest difference in the irrational setting of duty relative to others. Also, the results of the study prove a high level of correlation between the installation of catastrophization with a tendency to generalized assessment.

Keywords: *high school students, irrational attitudes, catastrophization, attitude of duty, over-generalization.*

Туркистон маърифатпарваларининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Муҳтарам ёшларга мурожаати” да мактаб ҳақида фикр юритиб, уни “тараккийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозаси”, деб таърифлайди [2, 176-б.]. Бир аср аввал мамлакат ва миллатнинг порлоқ келажаги [8, 322-р.] мактаб хоналаридан бошланиши ҳақида айтилган бу фикр бугунги кунда янада аҳамиятлироқдир.

Мактаб даври инсоннинг шахс сифатида шаклланишида нақадар беқиёс аҳамиятига эгаллиги хусусида психологлар томонидан кўп ёзилган ва айтилган. Сўнги вақтда бу мавзудаги илмий-амалий мунозараларда кенг жамоатчилик, оналар мактаб психологларидан ёшлар ҳаётидаги ўта жиддий муаммолар – суицидал хулқнинг ривожланиши, замонавий компьютер техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ девиациялар, гендер муносабатлардаги ахлоқсизлик, зарарли одатларга берилиш, ёт ғоялар ва мафкуралар таъсирига тушиш каби муаммоларни ҳал этишда фаол иштирокни кутаётганини яширмаяпти. Айни

вақтда тан олиш керакки, бу каби муаммолар ҳақидаги мулоҳазаларда умумий мушоҳадалар, ширсифат фикрлар, баландпарвоз ёндашувлар устунлик қилаётган ҳолатлар ҳам кам эмас.

Табиийки, мактаб олдидаги мураккаб психологик муаммоларнинг ечимини топишда, аввало, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар, шарт-шароитларни аниқлаш талаб қилинади. Назаримизда, амалий-психологик ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг айрим ўринларда етарлича самарали бўлмаслиги, биринчи навбатда, мавжуд муаммоларнинг сабабларини ўрганишда туб илдизларга етиб борилмаслиги билан боғлиқ. Аниқроғи, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг сабаблари ҳақида баҳс кетганда, кўпинча оиладаги вазият, педагогик қаровсизлик, турли ижтимоий гуруҳлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсири эсга олиними одатий ҳолатга айланди. Бошқача қилиб айтганда, алоҳида олинган шахснинг хулқ-атворидаги жиддий нуқсонларнинг сабабларини унинг атрофидан қидиришга одатланиб қолганимиз айни ҳақиқат. Ваҳоланки, ҳар қайси бола маълум ижтимоий муносабатлар субъекти бўлиш баробарида, аввало, алоҳида бетакрор индивидуалликдир. Шунга кўра, ижтимоий таъсирларни ҳам ҳар бир бола ўзига хос қабул қилади. Буни ҳисобга олмаслик психология фанининг бош ғояси, яъни "...ташқи сабаблар ички шароитлар орқали таъсир кўрсатиши" (С.Л.Рубинштейн) ғоясини инкор этиш билан баробар. Шундай экан, ўқувчилар таълим-тарбиясида учраётган жиддий муаммоларни ҳал этиш устида бош қотирар эканмиз, уларнинг тағ-заминидаги бирламчи индивидуал-психологик асосларни аниқлаш ва ўрганиш долзарб амалий аҳамиятга эгадир. Мазкур мақолада шундай чуқур индивидуал омиллардан бири сифатида шахсдаги иррационал установакалар таҳлили ва юқори синф ўқувчиларида уларга мойилликнинг умумий хусусиятларини эмпирик ўрганиш натижалари келтирилди.

Маълумки, "иррационал установака" тушунчаси америкалик психолог Альберт Эллиснинг психотерапия мактаби ғоялари доирасида кенг тарқалган. Зеро, А.Эллиснинг рационал-эмоционал терапияси нуқтаи назаридан айнан иррационал установакалар одамда невроз ва депрессиялар эҳтимолини оширади [1, 118-б.]. Бунда иррационаллик деганда инсон хатти-ҳаракатлари, ўй-хаёллари, ҳис-туйғулари қарашлари чуқур мулоҳазага асосланмагани, кўпроқ ҳиссиёт жўшқинлиги ва интуитив билишга таяниши назарда тутилади [5]. А.Эллис бўйича иррационал установакалар қатъий талаб, буйрук, кўрсатма сифатида чинакам вазиятга номувофиқлиги, шаклланган объектив шароитларга мос эмаслиги билан тавсияланади [4, 45-б.].

Иррационал установакалар 4 хил тури ажратилади: «Ғожеалаштириш» установакаси одам турли нохуш ҳодисаларни қандай қабул қилишини акс эттиради; «Ўзини мажбур ҳисоблаш» ва «Бошқаларни мажбур ҳисоблаш»

установкалари одамда ўз-ўзига ва бошқаларга нисбатан ҳаддан ташқари юқори талаблар мажудлигини кўрсатади; «Умумлашма баҳолаш» одам ўзига ва бошқаларга баҳо беришда унинг айрим хатти-ҳаракатларини ёки сифатларини баҳолашга эмас, балки унга умумий баҳо чиқариб қўйишга мойиллигидан дарак беради [1, 119-б.].

Психологик тадқиқотларда иррационал установкаларнинг турли хил оқибатлари ўрганилган: Т.А.Басина иррационал установкалар бахтиёрлик ҳисси билан тесқари алоқадорликда эканини аниқлаган [1]; О.Гук, М.Д.Терьесен, Л.Черкасова ўтказган тадқиқотда иррационал установкалар устунлик қилувчи ўқитувчилар эмоционал толиқувчан бўлиши исботланган [6], Е.С.Лобанова, Р.С.Карпухин иррационал установкалар стрессга бардошлиликни сусайтиришини таъкидлаётдилар [3], Ю.Сабанчи, А.Чекич иррационал установкаларга мойиллик ўсмирларда кибербуллинг, яъни замонавий ахборот коммуникация технологиялари воситасида шахсга нисбатан тазйиқ қурбонига айланиш, виктимизация ҳавфини кучайтиришини тасдиқладилар [7]. Мазкур тадқиқотлар натижаларига таяниб, иррационал установкалар ёшларимиз ҳуқ-атворидаги турли салбий ўзгаришларнинг психологик негизи бўлишини тахмин қилиш мумкин. Шунга мувофиқ, аввало, ўқувчи-ёшлар, хусусан, мустақил ҳаётга кириш арафасида турган ёшларимизнинг иррационал установкаларга умумий муносабатини ўганиш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Мазкур йўналишдаги илк уринишлардан бири сифатида биз томондан умумий ўрта таълим мактаби юқори синф ўқувчилари (n=49) орасида А.Эллиснинг «Иррационал установкалар диагностикаси методикаси» воситасида тажриба-синов ўтказилди. Психодиагностика натижаларнинг статистик таҳлили бир омилли дисперсион анализ, Р.Фишернинг F мезонини ҳисоблаш (Excel дастурининг «Пакет анализа» иловаси ёрдамида), К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициентини аниқлаш (SPSS.v18.0 дастури ёрдамида) методлари воситасида амалга оширилди.

Дастлабки статистик таҳлиллардан маълум бўлдики, юқори синф ўқувчиларида иррационал установкаларга муносабатда ўзига хос жиҳатлар қайд этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Юқори синф ўқувчиларида иррационал установкаларга муносабатнинг дифференциал кўрсаткичлари

Иррационал установка турлари	Дисперсия кўрсаткичлари	Р.Фишернинг F-мезони/статистик аҳамият даражаси
Фожеалаштириш	57,3	20,9/0,001

Ўзини мажбур ҳисоблаш	27,0	
Бошқаларни мажбур ҳисоблаш	15,6	
Умумлашма баҳолаш	41,0	

Дастлабки статистик кўрсаткичларда, биринчи навбатда, икки жиҳат эътиборимизни тортади. Жумладан, дисперсия кўрсаткичларидан маълум бўлаяптики, синалувчиларимиз ўртасидаги тафовут “Фожеалаштириш” иррационал установаки соҳасида энг юқори қийматга эга ($S=57,3$). Бу эса ёшларимиз иррационал установакалар соҳасида, аввало, воқеа-ҳодисаларнинг фожеавийлик даражасини баҳолашда бир-бирдан ниҳоятда фарқланишини кўрсатади. Демак, турли ёшлар ҳаётда уларга дучор бўладиган айнан бир хил вазиятларнинг оғирлик даражасини турлича баҳолайдилар. Кимгадир арзимас кўринган бир вазият, унинг тенгдоши томонидан ўта фожеавий қабул қилиниши мумкин. Эҳтимол, шунинг учун тенгдошлар даврасида бир ўқувчи учун беэиён туюлган ҳазил-мазах, иккинчиси томонидан қаттиқ ранжиш билан қабул қилинади ҳамда кескин ҳаракатларгача олиб келади. Фожеалаштириш установаки бу қадар юқори бўлмаганлар эса унинг кескин қарорларига нима сабаб бўлганини тушунмай қолаверади.

Дисперсион таҳлилининг натижаларида эътиборга лойиқ иккинчи жиҳат шундаки, синалувчиларимиз ўртасидаги ички тафовутнинг энг қуйи даражаси ($S=15,6$) “Бошқаларни мажбур ҳисоблаш” иррационал установаки соҳасидадир. Бу ҳолат шундан дарак берадики, синалувчиларимиз бошқа одамлар уларга ниманидир қилиб беришга, нимадир билан уларни таъминлашга мажбур, қарз деб ҳисоблаш бобида бир бирига анча яқин фикрлайди. Мазкур натижа ёшларимиз орасида иррационал установакаларга мойил бўлганларни биринчи навбатда бошқаларни қайсидир масалаларда уларга қарз, деб ҳисоблаш хусусияти ажратиб туришини, бу тоифа учун ушбу хусусият яққол белги эканини тасдиқлайди. Албатта, бу анча хавотирли ҳолат бўлиб, худбинлик психологиясининг ривожланиши, эгоцентризм нуқтаи назари устунлик қилиши каби ёш авлод маънавий жиҳатдан камол топишига жиддий тўсиқ бўлувчи омилларга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқот ишининг иккинчи босқичида юқори синф ўқувчиларидаги иррационал установакалар ўртасида қандай корреляцион алоқадорликлар мавжудлигини таҳлил этиш вазифаси қўйилди. Шунга кўра турли иррационал установакалар бўйича синалувчиларнинг кўрсаткичларидаги алоқадорлик корреляцион таҳлил қилинди (2-жадвал)

2-жадвал

Юқори синф ўқувчиларининг иррационал установакалари ўртасидаги
корреляция кўрсаткичлари

Иррационал установакалар	Фожеалаштириш	Ўзини мажбур хисоблаш	Бошқаларни мажбур хисоблаш	Умумлашма баҳолаш
Фожеалаштириш	1	0,081	0,353*	0,507**
Ўзини мажбур хисоблаш	0,081	1	-0,038	0,048
Бошқаларни мажбур хисоблаш	0,353*	-0,038	1	0,240
Умумлашма баҳолаш	0,507**	0,048	0,240	1

Изоҳ: * - статистик аҳамият даражаси $p \leq 0,05$

** - статистик аҳамият даражаси $p \leq 0,01$

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан маълум бўлаяптики, фожеалаштириш иррационал установакаси бошқаларни мажбур хисоблаш билан мусбат боғланиш ($r=0,353$; $p \leq 0,05$) ҳосил қилаяпти. Назаримизда, мазкур натижани синалувчи ёшлар тегишли воқеа-ҳодисаларни фожеавий тусда идрок этиши айни вақтда бу ҳолат учун бошқа бировни масъул, деб тушуниши, унинг ҳал этилишини ҳам бировлардан кутиши оқибати сифатида талқин этиш мумкин. Агар мазкур талқин ўринли бўлса, бошқаларни мажбур хисоблаш установакасини сусайтириб, ёшларда ўзларининг ҳаракатлари учун шахсий жавобгарлик, масъулликни ривожлантириш, уларда ортиқча фожеа яшашга мойилликнинг олдини олиш имконияти ошади, деб тахмин қилиш мумкин.

Юқори синф ўқувчиларининг иррационал установакалар соҳасидаги интеркорреляция кўрсаткичларида фожеалаштириш, айниқса, умумлашма баҳолаш билан юқори даражада ($r=0,507$; $p \leq 0,01$) корреляцион алоқадорликка эгаллиги аниқланди. Бу натижадан тегишли воқеа-ҳодисаларни бўрттириб, ортиқча ваҳималаштириб идрок этувчи ёшлар нимагадир баҳо беришда ноўрин умумлаштириш қилиши ҳақида хулоса чиқади. Эҳтимол, айнан ўта умумлаштириш, яъни қисмнинг баҳосини бутунга қўйиш фожеалаштириб идрок этишга олиб келаётган бўлиши мумкин. Зеро, улкан тизимнинг арзимас кичик қисмида, кўп сонли элементларидан бирида кузатилаётган ноҳуш ҳолатни бутун тузулмага тегишли, деб тушуниш ўз-ўзидан ҳаёлда фожеавий тасвирларни шакллантиришини кутиш ўринли. Бундан жуда муҳим амалий хулосани чиқариш мумкин – ёшларда фожеалаштириш иррационал установакаси шаклланиши ва ривожланишининг олдини олиш учун уларни нарса-ҳодисаларга

муносабат билдиришда айна вақтда улардаги айнан қайси сифат-хусусият баҳолаш объекти эканини аниқ англаб туришга одатлантириш керак. Соддарок қилиб айтганда, бирор аломат фақат кичик бўлакка тегишли эканини тушуниб турган одам, ундаги нуқсонни аслидан катта идрок этмайди, бутун тузулмани фавкулотда ҳолатда тасаввур этиб, йўқ жойдан фожеа ясамайди. Ўйлаймизки, бунинг фойдаси аслида ечими топиладиган муаммоларни ортиқча фожеалаштириб, суицид каби ўнглаб бўлмайдиган хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан қайтаришда ҳам, айрим кичик изоҳчалари ўринли кўринган аслида анча “беъмаза” ғояларга мафтун бўлишдан сақлашда ҳам кўринади.

Шундай қилиб, юқори синф ўқувчиларининг иррационал установакалар билан боғлиқ қарашларини ўрганиш натижалари қуйидаги умумий хулосалар учун асос бермоқда:

1) илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчиларимиз воқеа-ҳодисаларнинг фожеавийлик даражасини баҳолашда бир биридан айниқса кучли фарқланади;

2) юқори синф ўқувчиларимиз бошқаларни мажбур ҳисоблаш иррационал установакасига кўра бир-бирга энг кўп даражада ўхшашдир;

3) бошқаларни мажбур ҳисоблаш установакасининг ривожланиши айна вақтда фожеалаштиришга мойилликни оширади;

4) фожеалаштириш иррационал установакасининг кучли эканига нарсас-ҳодисаларга умумлашма баҳо беришга мойиллик асос бўлиши мумкин.

Энг муҳими, азалий ҳақиқат шундан иборатки, психолог ўзи ишлаётган одамларни қанчалик яхши билса, уларга шунчалик сифатли ва самарали ёрдам кўрсата олади. Ўйлаймизки, мазкур кичик тадқиқотимиз асосида мактаб амалиётчи психологлари юқори мактаб ёшидаги яна бир ўзига хос хусусиятни билиб оладилар ва бу тоифа ёшлар билан амалий ишлар олиб боришда, шу жумладан, мазкур билимга ҳам таянадилар, ундан самарали фойдаланадилар.

Адабиётлар

1. Басина Т.А. Взаимосвязь степени рациональности установок и ощущения счастья у курсантов//Преступление, наказание, исправление: Вестник Вологодского института права и экономики Федеральной службы исполнения наказаний. – 2018. - №41. – С.117-121.
2. Бехбудий М. Танланган асарлар//Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Т.:Маънавият, 1999. – 280 б.
3. Лобанова Е.С., Карпухин Р.С. Связь показателей стрессоустойчивости в профессиональной деятельности и доминирующих иррациональных установок сотрудников УИС//Когнитивные исследования на современном этапе: Материалы Всероссийской конференции. - Казанский (Приволжский) федеральный университет, 30 октября-3 ноября 2017 года. – С. 55-64.

4. Петрова Е.А. Влияние детского психотравматического опыта на формирование иррациональных установок взрослых//Вестник новгородского государственного университета. – 2017. – №1. – С.44-48.
5. Ремеева А.Ф., Пальчиков И.А. Особенности иррациональных установок девиантных подростков [Электронный ресурс] // Психология и право. 2013. № 2. URL: <http://psyjournals.ru/psyandlaw/2013/n2/61028.shtml> (мурожаат вақти: 25.03.2019).
6. Huk O., Terjesen Mark D., Cherkasova L. Predicting Teacher Burnout as a Function of School Characteristics and Irrational Beliefs//Psychology in the Schools. – 2019. - №5. – pp.792-808.
7. Sabanci Yu., Çekiç A. The Relationship between Irrational Beliefs, Resilience, Psychological Needs, Cyberbullying and Cyber Victimization//Universal Journal of Educational Research. – 2019. – №3. – pp.700-706.
8. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.